



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 90 (12.151)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ

БИР КУНИ

Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

Ўзбекистонда жисмонан кучли, маънан юксак ва интеллектуал ривожланган баркамол авлодни тарбиялаш Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилётган давлат сиёсатининг устувор йўналишларидандир. Бу жараёнда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, бу борадаги ишлар ёшлар қалбида юксак ватанпарварлик, эл-юртга садоқат, мамлакат манфаатларини ҳимоя қилиш буйича фуқаролик бурчи ва конституцион мажбуриятларини бажаришга тайёрлик туйғусини шакллантиришга қаратилган.

...Шу кунларда Ўзбекистон Республикаси Миллий ҳавфсизлик хизмати чегара қўшинларининг Тошкент вилоятда жойлашган ҳарбий қисмларидан бири ҳар қачонгидан кўра одамлар билан гавжум. Ҳарбий қисм ҳудудда йигитлик бурчини зийрак ва ҳушёрлик билан ўтаётган Ватан ҳимоячиларидан ташқари турли ранг ҳамда бичимдаги расмий кийим кийган кўплаб йигит-қизларни ҳам учратиш мумкин. Улар мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги ўрта махсус, касб-хунар таълими даргоҳларининг ўқувчиларидир. Уларнинг бу ерда тўпланишидан мақсад «Еш чегарачи» ҳарбий-ватанпарварлик мусобақаларининг республика босқичида юқори натижаларга эришишдир.

Академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари, Мудофаага қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг ҳудудий бўлиmlлари ҳузурида «Еш чегарачи» ҳарбий-ватанпарварлик клублари бир неча йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётди. Бу клублар нафақат фарзандларнинг бўш вақтини фойдалаштиришга истаган ота-оналар, балки ҳарбий хизматга чақириб ёшларни ўқитишда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Аксарият ёшлар ҳарбий кийим кийиб, дўстлари қатори сафда тантанавор юришни, қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникадан моҳирона фойдаланишни орау қилади. Энг қизиқарлиси, қизлар ҳам бу клубларга аъзо бўлмоқда. Улар айнан шу ерда бошқа вазифалар қатори биринчи тиббий ёрдам кўрсатишни ўрганиши мумкин.

«Еш чегарачи» клублари кенг қўллаб-қувватланиб, тобора оммаланиб бораётди. Ўзбекистон Республикаси Миллий ҳавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш бўлими, «Камолот» ёшлар ижтимоий



КУЧ — ҲАМЖИҲАТЛИҚДА

«Еш чегарачи» ҳарбий-ватанпарварлик мусобақаларининг республика босқичи бўлиб ўтди.

ҳаракати марказий кенгаши, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Республика «Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан уч босқичли ҳарбий-ватанпарварлик мусобақалари ўтказилмоқда. Бунинг натижасида йигит-қизларда эгаллаган билим ва кўникмаларини амалда қўллаш, бир жамоа бўлиб беллашиш, шунингдек, мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларидаги тенгдошлари билан танишиш имконияти пайдо бўлмоқда.

Клубимизга ўттиз нафарга яқин йигит-қиз аъзо, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманидаги ҳўжалик касб-хунар коллежининг

учинчи босқич ўқувчиси Бехзод Ражабов. — Машғулотларда ҳарбий ишнинг турли соҳалари буйича зарур билим ва кўникмаларга эга бўлмоқдамиз, ҳарбий қисмларга бораёلمиз, ҳарбий хизматчилар, фахрийлар клубига ташриф буюриб, қимматли маслаҳатлар бермоқда. Барчамиз янада интизомли, ҳаётга жиддий муносабатда бўлишни ўргандик, қалбларимизда Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуси мустаҳкамланмоқда. Утган йили жамоамиз Ўзбекистонда биринчи ўринни эгаллади. Бу йил яқин таркибда мусобақаларнинг вилоят ва ҳудудий босқичларида гўлиб чиқдик.

(Давоми 2-бетда)

Илгари хабар берилганидек, жорий йилда Ўзбекистон ва Япония ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганига роппа-роса 20 йил тўлди. Шу муносабат билан «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири Япония ташқи ишлар вазири Коитиро Гэмба билан мулоқотда бўлди. Вазир икки мамлакат ўртасидаги ўзаро муносабатлар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашгани баробарида уларнинг замонавий босқичдаги тараққиётига ҳам баҳо берди. Қуйида ушбу суҳбат ўқувчилар эътиборига ҳавола этилади.

— Вазир жаноблари, Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги 20 йиллик ҳамкорлик натижалари ва икки томонлама алоқаларни янада ривожлантиришнинг истиқболлари ҳусусидаги фикрларингизни билишни истар эдик...

— Турли даражадаги, жумладан, олий даражадаги ўзаро ташриф ва сиёсий мулоқотлар тўғрисида 20 йил давомида икки мамлакат ўртасида дўстона ва ўзаро ишончга асосланган муносабатлар шаклланди. Хусусан, Ўзбекистон Президентини Ислам Каримовнинг ўтган йилнинг февралда Японияга буюрган ташрифи стратегик шерикликка асосланган икки томонлама муносабатларни янада мустаҳкамлашда муҳим босқич ва салмоқли қадам бўлди.

Япония ва Ўзбекистон ўртасидаги амалий ҳамкорликнинг ҳуқуқий асослари тобора мустаҳкамланмоқда. Нафақат икки давлат ҳукуматлари, балки маҳаллий ҳокимият идоралари, корхоналар, тадқиқот институтлари, маданий муассасалар ўртасидаги ҳамкорликни қамраб олувчи қилишларга эришилгани ҳолда, мамлакатларимиз ўртасида кўп қиррали муносабатлар йўлга қўйлаётди.

Япония ва Ўзбекистон минтақавий ва халқаро масалалар бўйича турли-туман лойиҳалар доирасида фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда. Масалан, 2011 йилнинг ноябрида бўлиб ўтган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти конференциясида БМТ инсон ҳавфсизлиги бўйича Траст жамғармаси орқали (UNTFHS) Орол денгизи ҳудудидаги вазиятни яхшилаш учун кўмак кўрсатиш ҳақида қарор қабул қилинди. Ушбу жамғарма Япония ташаббуси билан таъсис этилган.

Шунингдек, Япониянинг Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда Толимаржон иссиқлик электр станциясини молиялаштиришдаги иштироки ҳам эътиборга молиқдир.

Уз навбатида, Ўзбекистон Япониянинг БМТ Ҳавфсизлик кенгаши доимий аъзолари сафига киришини қўллаб-қувватлаб келмоқда ва бунинг учун мамлакатингиз ҳукумати

ЎЗБЕКИСТОН — ЯПОНИЯ: САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА

яна бир бор миннатдорлик билдиришни истар эдим. Мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали муносабатлар ҳақида фикр юритилар экан, «Марказий Осиё + Япония» Мулоқотини алоҳида қайд этиб ўтиш лозим. Ўзбекистон мазкур мулоқотнинг ўтказилишига фаол қўмаклашиб келмоқда. Хусусан, 2010 йил август ойида Тошкентда Ташқи ишлар вазирларининг учинчи йилги муваффақиятли

ўтди. Ушбу мулоқотдан қўзланган асосий мақсад Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги икки минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган сўй-ҳаракатларни фаллаштириш билан изоҳланади. Япония Марказий Осиё минтақасининг барқарорлиги ва гуллаб-яшнаши учун ушбу ҳудудда жойлашган мамлакатлар умумий муаммоларни ҳал қилишга биргаликда ёндошмоғи зарур, деб ҳисоблайди.

Жорий йилнинг кузига Токио шаҳрида Япония ташқи ишлар вазири расмиликда мазкур Мулоқот доирасида Ташқи ишлар вазирларининг туртинчи йилги йиғилишини ўтказиш режалаштирилмоқда. Мажлис муваффақиятли ўтишига ва у Япониянинг Марказий Осиё мамлакатлари билан дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 20 йиллигига бағишланган муҳим ҳодиса бўлиб қолишига аминман.

Ўзаро ҳамкорликнинг даражаси ва бугунги кунга қадар эришилган натижалар билан чекланиб қолмасдан, биз мин-

ҚИСҚА САТРАПДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** Миллий академик ситети қошидаги 2-сонли академик лицейда ўтказилган давра суҳбати «Камолот — меннинг тақдиримда» деб

номланди. «Камолот» ЁИХнинг академик лицей бошланғич ташкилоти ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда «Камолот — ёшлар таянчи» лойиҳасига старт берилди.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** Ёзувчилар уюшмасида «Ўзбекистонда она ва бола

саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий лицей модели: «Соғлом она — соғлом бола» мавзусидаги давра суҳбати ўтказилди.

✓ **РЕСПУБЛИКА** мусиқа ва санъатга ихтисослаштирилган академик лицейда иқтидорли шоир Мухаммад

Юсуф хотирасига бағишланган адабий-маърифий кеча ташкил этилди.

✓ **СЕРГЕЛИ** туманидаги 6-ихтисослаштирилган умумтаълим мактабида Хотира ва кадрлар куни муносабати билан маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Пойтахтимиздаги «Қатагон қурбонлари хотираси» музейида «Инсон — азиз, хотира — муқаддас» мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

9 май — Хотира ва кадрлар куни

ИНСОН — АЗИЗ, ХОТИРА — МУҚАДДАС

Республика Маънавият тарғибот маркази, «Шаҳидлар хотираси» жамоат фонди ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда маънавият тарғиботчилари, тарихчи олимлар, ўқитувчилар, талаба-ёшлар иштирок этди.

«Қатагон қурбонлари хотираси» музейи директори Б.Ҳасанов, филология фанлари доктори, профессор Н.Каримов мамлакатимизда халқимиз маънавиятини юксалтириш, тарихимизни, Ватан озодлиги йўлида жон фидо этган ҳамюртларимизнинг ҳаёти, фаолиятини ҳаққоний ўрганиш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Бу эса ёшларни фидойилик, фаол граждандлик позициясига эга инсонлар этиб тарбиялаш, улар қалби ва онгидида она Ватанга муҳаббат, истиқлол гояларига садоқат, тарихимизга ҳурмат-эътиром туйғуларини мустаҳкам қарор топтиришда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан Тошкентнинг Юнусобод туманида бунёд этилган «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи ва «Қатагон қурбонлари хотираси» музейи ҳурлик ва озодлик учун курашган, мустақил тузум даврида мавҳ этилган минглаб зил-ёллар, илм-маърифат соҳибларининг ҳаёти, фаолияти ҳақида кенг маълумот беради. Музей фондидаги ўн мингга яқин ҳужжат, буюм ва ашёлар, китоблар, видео, аудио лавжалар,

электрон шаклдаги материаллар бу ерга ташриф буюрганларнинг яқин тарихимизга оид билим ва тасаввурини янада бойитишга хизмат қилмоқда.

Ташкил этилганига ўн йил бўлган мазкур музей шу кунларда уруш ва меҳнат фахрийлари, ўқитувчилар, олимлар, талаба-ёшлар билан янада гавжум. 9 май — Хотира ва кадрлар куни муносабати билан Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамкорлигида ушбу мўътабар даргоҳда очик дарслар, маърифий тадбирлар, учрашувлар, мулоқотлар ўтказилмоқда.

— Ушбу муаззам масканга келган ҳар бир инсон истиклолга қанчалик машаққатлар, оғир синовлар билан эришилганга яна бир бор ишонч ҳосил қилади, — дейди ангрелик меҳнат фахрийси Назира Ашуралиева. — Сокин Бўзсув соҳили ўтган асрнинг 30-50 йилларида не-не муҳшиликларга гувоҳ бўлган. Президентимиз ташаббуси билан Каримов ташаббуси билан файзли ва табаррук масканга айлантирилган бу даргоҳ бугунги тинч ва осуда кунларимизни, жамиятимиздаги барқарорликни, фаровон ва тўқин ҳаётни, мустақилликни кўз-қорачигидек асраб-авайлашга барчамизни давват этади.

Тадбир иштирокчилари музей экспонатлари билан танишиб, «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуини зиёрат қилдилар.

Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири

тақанинг беш мамлакатаи учун ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган масалаларни ҳал қилишдаги ҳамкорликни чуқурлаштириш тарафдоримиз. Биринчи масала — атроф-муҳит муаммолари, энергияни тежаш, унинг қайта тикланганидан манбалари. Иккинчи масала — Мингйиллий мақсадларига эришиш ва ҳаёт даражаларидаги фарқларни бартароф этиш. Афғонистондаги барқарорликни таъминлашга қаратилган ҳамкорлик учинчи масала ҳисобланади. Туртинчи масала — фалокатларнинг олдини олиш ва бешинчиси — савдо ва сарможаларнинг.

— Бугунги кунда Ўзбекистон ва Япония ўртасида парламентларо алоқалар ҳам фаол ривожланиб бормоқда. Барчамизга маълумки, сиз ушбу алоқаларнинг янада мустаҳкамланишига салмоқли ҳисса қўшмоқдасиз. Икки мамлакатнинг бу йўналишдаги ҳамкорлиги истиқболларни қандай баҳолайсиз?

— Сўнгги йилларда мамлакатларимиз ўртасида парламентларо алоқаларни алоқаларни, дарҳақиқат, сезиларли даражада жадаллашди. 2010 йилнинг февралда «Япония демократик партияси — Ўзбекистон» Парламент дўстлик лигаси ўз ишини бошлаган эди. Мен ушбу лиганинг бош котибиман.

Уз навбатида, Ўзбекистонда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси — Япония Парламенти» парламентларо гуруҳи ташкил этилиб, унинг доирасида икки мамлакат қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш юзасидан иш олиб боришмоқда.

Олий Мажлис Сенатининг раиси бошчилигидаги Ўзбекистон парламенти делегациясининг 2010 йил декабрь ойида Японияга уюштирилган расмий сафарини ушбу йўналишдаги ҳамкорликни янада ривожлантириш учун муҳим аҳамиятга эга бўлгани ҳолда халқларимиз ўртасидаги ўзаро алоқалар ва дўстликни мустаҳкамлаш ишига хизмат қилди. Биз икки мамлакат ўртасидаги парламентларо алоқаларни янада ривожлантириш учун барча сўй-ҳаракатларни амалга оширишни истаймиз.

— Мамлакатларимизнинг таълим, кадрлар тайёрлаш ва маданий-гуманитар алоқаларини соҳасидаги ҳамкорлиги истиқболларни қандай баҳолайсиз?

— Таълим соҳасидаги ҳамкорлик самарали тарзда ривожланиб бормоқда. Мамлакатларимиз ўртасидаги академик алоқалар ҳам жадал тараққий этмоқда. Япония ўзбекистонлик ёш мутахассисларни тайёрлашда изчил ёрдам кўрсатиб келаётди.

(Давоми 2-бетда)



• Тошкентда Олий Мажлис Сенати Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда «Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: «Соғлом она — соғлом бола» мавзусидаги халқаро симпозиум тавсияларининг ҳамда «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг аҳамиятига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди.

• Эллиққалъа туманининг қадимий Тупроққалъа ёдгорлигида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган «Асрлар садоси» маданият фестивали бошланди.

• Самарқанд шаҳрида тўғридан-тўғри хориж инвестицияларини жалб этиш ҳамда тадбиркорлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш масалаларига бағишланган семинар ташкил этилди. Унда вилоятда фаолият кўрсатаётган чет эллик ҳамда маҳаллий тадбиркорларга ҳукуватимиз томонидан яратиб берилган шароит ҳамда солиқ имтиёзлари ҳақида атрафлича тушунчалар берилди.

• Кармана туманидаги «Агропроат» ҳўжалигида Голландия технологияси асосида «Шарлотто» ва «Бонакуа» помидор навларини маҳаллий шароитда етиштириш йўлга қўйилди. Бунда банкнинг 100 миллион сўмлик кредитидан самарали фойдаланилди.

• Жиззах шаҳридаги «Ҳақиқат Отабек» кўп тармоқли корхонаси томонидан қоп ишлаб чиқаришга мўлжалланган технологик линия ишга туширилди. Қиймати 300 миллион сўмлик ушбу лойиҳани амалга ошириш учун корхонанинг ўз маблағидан ташқари 88 миллион сўмлик банк кредити сарфланди. Ҳозир бу ерда 35 нафар кишлоқ ёшлари уч сменада меҳнат қилишмоқда.



• Кеча Грецияда парламент сайловлари ўтказилди.

• Непалда юз берган сув тошқинлари натижасида 17 киши ҳаётдан кўз юмди, 47 та одам бедарак йўқолди.

• АҚШда болалар озуқа маҳсулотларини пластик идишларга қадоқлашни тақиқлаш тўғрисида қарор қабул қилинди. Маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг тарқатган хабарларига қараганда, пластмасса идишлар ва қутилар таркибидаги бисфенол А моддаси маҳсулот сифати бузилишига сабаб бўлади.

• Чехиянинг гарбий ҳудудида жойлашган Соколов шаҳридаги Горни-Славков-Локет темир йўлида оғирлиги 10 тоннага тенг пиёдалар кўприги ўғирланди, деб хабар беради ПАТА-ТАСС. Маълумотларга қараганда, жиноятчилар темир йўлда жойлашган мазкур кўприкни демонтаж қилишга оид сохта ҳужжат тайёрлаганлар. Ўғрилар ҳеч кимда шубҳа уйғотмаслик учун кўприкни бўлақларга бўлиб, юк кўтарувчи кран ёрдамида олиб кетган.

• Берлиндаги «Fasanengalerie» тасвирий санъат галереясида машҳур расомлар Пабло Пикассо ва Анри Матисс ижодига мансуб йигирма бешта расм ва кўплаб ҳайкалтарошлик ишлари ўғирланди. «Fasanengalerie» ҳодимларининг сўзларига кўра, ўғирланган асарларнинг айримлари кўрғазмада ҳали намойиш этилмаган ва рўйхатдан ҳам ўтказилмаган экан. Хабарларга қараганда, ўғирланган асарларнинг қиймати тахминан бир юз саксон минг еврога тенг.

(Давоми. Боши 1-бетда)

...Моделлаштириш ва компьютер симуляцияси маркази. Деворга осилган унчалик катта бўлмаган экранда виртуал нишонлар кўриниб турибди. «Еш чегарачи» ҳарбий-ватанпарварлик мусобақаларида иштирок этаётган жамоалар аъзолари олдида нишонларни аниқ мўлжалга олиш, бунда мумкин қадар кам миқдорда ўқ сарфлаш вазифаси қўйилган. Сирдарё туманидаги педагогика коллежи йигит-қизлари ўт очишга тайёр. Буйруқ берилди. Ўқ овозлари эшитилмоқда. Улар атиги санокли ўқларни сарфлаб, вазифани муваффақиятли удралади. Натижалардан мамнун болалар кейинги синовни бажаришга шошилмоқда.

Харбий-ватанпарварлик клублари фаолият кўрсатаётганидан буён ўтган вақт мобайнида қандай ишлар амалда ошдирилди? Мусобақаларнинг махсус шартига кўра, ҳар қайси жамоанинг бир иштирокчиси ҳайъат аъзоларини ўзи қатнашаётган «Еш чегарачи» ҳарбий-ватанпарварлик клуби фаолияти билан таништириши лозим. Жамоанинг жанговар байроғи ва шиори, намойиш этиш учун олиб келинган материаллари (қўлланмалар, клуб фаолияти ҳақидаги фотосуратлар, кўлга кирит-

лубий қўлланмалар билан қатнашмоқдамиз. Менимча, ҳарбий-ватанпарварлик мусобақалари ёшларни нафақат армияда хизмат қилиш ва уларда ватанпарварлик туйғусини камол топтириш, балки фойдали тажриба билан алмашишда ҳам муҳим ўрин тутди. Масалан, бошқа жамоалар аъзолари клубимиз томонидан тузилган ҳарбий атамалар изоҳли лугати билан қизиқмоқда.

...Тушлик вақтидаги танаффус. Чарчаган, аммо кўрсатган натижаларидан мамнун йигит-қизлар ошхонага йўл олмоқда.

КУЧ — ҲАМЖИҲАТЛИКДА

ган мақтов ёриқлари, медаллар ва дипломлари) — бу клубнинг ўзига хос «таширлиси қоғози»дир. Бу ҳайъат аъзолари, шунингдек, барча кузатувчиларда ҳарбий-ватанпарварлик мусобақалари иштирокчилари ҳақидаги дастлабки тасаввур пайдо бўлишига хизмат қилади.

— Мен 26 йилдан буён ёшларнинг ҳарбий хизматга чиқаришга тайёрлаш соҳасида меҳнат қилиб келаман, — дейди Андижон вилояти Хўжаобод педагогика ва ижтимоий-иқтисодий коллежининг «Еш чегарачи» ҳарбий-ватанпарварлик клуби раҳбари, 2010 йилда ёш авлоднинг тарбиялаш борасидаги фидокорона меҳнати учун «Шўхрат» медали билан тақдирланган Азизилло Бўтаев. — Бу галги мусобақаларда кўплаб ўқув ва ус-

Бу ерда улар ўзларини ҳақиқий ҳарбий хизматчидек ҳис этмоқда. Энг эътиборлиси шуки, «Еш чегарачи» ҳарбий-ватанпарварлик мусобақалари пайтида иштирокчиларнинг ҳарбий хизмат ва чегарачилар турмуш тарзи билан ақиндан танишиши учун барча шарт-шароитлар яратилган. 4ч кунлик беллашувлар вақтида жамоалар аъзолари аскарлар дам олиш хоналарида яшади, улар билан бирга овқатланди, ҳарбий қисмда ўтказилган маданий-матрифейн тадбирларда иштирок этди.

Синовларнинг бир қисми ўтказилмайдиган ҳарбий дала ўқув-машқ майдонига чиқиш бўлажак чегарачиларга катта қувонч бағишлади. Улар жанговар техника ва қурол-аслаҳаларни ўз кўзи билан кўриш



Отаябек Мирсатова (ЎЗА) олган суратлар

ҳамда улар билан яқиндан танишиш, ҳарбий хизматчилар маҳоратини баҳолаш, табиат бағрида мириқиб дам олиш имконига эга бўлди. Ёшларни Қуролли Кучларда хизмат қилиш, олий ҳарбий-таълим муассасаларига ўқишга киришга тайёрлайдиган ўзига хос мактаб вазифасини бажараётган «Еш чегарачи» ҳарбий-ватанпарварлик мусобақаларининг яқиний босқичи шундай юксак савияда ўтди.

Мусобақалар голиблари аниқланди. Умумжамоа ҳисобида биринчи ўрин Тошкент вилоятининг «Сарҳад» жамоасига насиб этди. Андижоннинг «Ватанпарвар» жамоаси иккинчи, Наманганнинг «Ўзбекистон» жамоаси ва Сурхондарё вилоятининг «Спортчилар» жамоаси эса учинчи ўринни эгаллади. Улар дипломлар, медаллар ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Ташкилотчилар совғалари эса барчага улашилди. Яхши анъанага айланган «Еш чегарачи» ҳарбий-ватанпарварлик ўйинлари чинакам дўстлик байрамига айланди. Зеро, бундай беллашувларда ҳеч ким ютказмайди. Мусобақалар Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшилларининг ашула ва рақс ансамбли ҳамда эстрада юлдузларининг концерт дастури билан яқунланди.

Сардор ТОҶИЕВ,
ЎЗА муҳбири

**ЎЗБЕКИСТОН — ЯПОНИЯ:
САМАРАЛИ
ҲАМКОРЛИК
ЙЎЛИДА**

(Давоми. Боши 1-бетда)

Хусусан, Кадрларни тайёрлаш учун стипендиялар тақдим этиш лойиҳаси (JDS) доирасида бошқарув, давлат сиёсати, иқтисодиёт ва ҳуқуқ соҳасида фаолият олиб бораётган ёш ўзбекистонлик давлат хизматчилари Япония олий ўқув юртида магистратура босқичида таълим олишади. Мазкур дастур бўйича 200 дан ортиқ ўзбекистонлик мутахассис Японияда таълим олмақда, келажакда улар республикадаги ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг ҳаётга таъбиқ этилиши ҳамда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликнинг чуқурлашишига ўз ҳиссасини қўшади, деб ўйлайман.

Булардан ташқари, Инсон ресурсларини ривожлантириш Ўзбекистон — Япония марказининг фаолиятига алоҳида тўхталиш лозим. Ўтган йили 10 ёшга тўлган мазкур ташкилот юксак даражадаги бизнес ўқув курслари ва бизнес-тренинглари ташкил этиш орқали мамлакатимизда хусусий тадбиркорларни тайёрлаш ишига ҳар томонлама қўмаклашмоқда.

2011 йил октябр ойида Цукуба университетидеги икки мамлакат талабалари иштирокида иккинчи Ўзбекистон — Япония академик анжумани ҳамда 2011 йил 1 ноябрь кунини Нагоя университетидеги ҳар бир мамлакат олий ўқув юртиларининг 10 нафардан ортиқ ректорлари қатнашган Ўзбекистон ва Япония олий ўқув юрти ректорларининг қўшма мажлиси ўтказилган таълим соҳасидаги ҳамкорлик мустаҳкамлаб бораётганидан гувоҳлик беради. Бу тадбирлар таълим соҳасидаги ҳамкорликни чуқурлаштиришга кучли туртки бўлди, деб ишонч билан айтиш мумкин.

— Ўзбекистон ва Япония халқларини кўп асрлик дўстлик ва ўзаро ҳурмат ришталари боғлаб туради, бу ришталар икки минг йиллик тарихга эга бўлиб, уларнинг илдизи Буюк Ипак йўли даврига бориб тақалади. Икки халқнинг маданий-маънавий яқинлиги омили мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона алоқаларнинг кенгайишига қай даражада қўмаклашадиган деб ўйлайсиз?

— Буюк Ипак йўлининг шарқий қисмидаги энг чекка нуктада жойлашган мамлакатимизга ушбу кўна йўл орқали Форс, Ҳиндистон, Хитой, Марказий Осиё минтақаси мамлакатларидан кўплаб маданий-маънавий бойликлар, жумладан, Будда маданияти кириб келган. Уша вақтларда турли йўналишлардаги ҳамкорлик маданиятларининг уйғунлашувига хизмат қилгани ҳолда халқларимиз ўртасидаги ўзаро яқинлик ҳиссини уйғотишда ва унинг мустаҳкамлашишида муҳим ўрин тутган.

Ҳозирги вақтда ҳам умумий тарихий меросни асраб-авайлашга қаратилган икки томонлама фаол ҳамкорлик олиб борилаётган. Япониянинг «Ривожланишга расмий қўмак» дастури доирасида Ўзбекистондаги қадимги будда динига оид ва бошқа ёдгорликларни ер остидан қазиб олиш, сақлаш ва таъмирлаш борасида мамлакатларимизнинг ҳамкорлиқдаги саъй-ҳаракатлари бунинг яққол мисоли бўла олади.

Булардан ташқари, ЮНЕСКО ва Япониянинг Траст жағмагарининг Номодий маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича қўшма лойиҳаси доирасида ҳам фаол ҳамкорлик олиб борилаётган. Хусусан, Япония кўплаб мамлакатлардан ўтган Буюк Ипак йўлидаги объектларни ўз умумжаҳон мероси рўйхатига кириштириш бўйича Марказий Осиёдаги тайёргарлик ишларига қўмаклашмоқда. Бу гоь 2002 йили ЮНЕСКОнинг ўша пайтдаги Эзулук элчиси бўлган Буюк мусаввир Икуо Хираяма томонидан тақлиф этилган.

Шунингдек, Япония ҳукумати япон нодавлат-нотижорат ташкилотларининг Самарқанд қоғозини тайёрлаш кўна технологиясини қайта тиклаш ва уни сайёҳлик ресурси сифатида қўллашга қаратилган сайёҳаракатларини ҳам қўллаб-қувватламоқда.

Ўзбекистонда маълум ва машҳур бўлган Миллий этнология музейининг фахрий профессори Кюдзо Катонинг фаолияти диққатга сазовор. У Ўзбекистонда кўп йиллар мобайнида қазичи ишларини олиб бориш ва илмий тадқиқотлар ўтказиш орқали археология тараққиётига қўшган ҳиссаси учун ҳар икки мамлакат орденлари билан тақдирланган. Аждодларимиз эришган ютуқлардан фойдаланган ҳолда, Буюк Ипак йўли тўғрисида юзага келган кўна алоқаларимиз бундан кейин ҳам фаол тарзда ривожланишига умид қиламиз.

Ҳозирги вақтда японларда маданий мерос ҳамда Шарқ ва Ғарб ўртасида Буюк Ипак йўли орқали олиб бориладиган ҳамкорлик алоқалари тарихини ўрганишга кучли интилиш кузатилаётган. Япония халқи Ўзбекистоннинг бошқа сайёҳлик қадимжолари, жумладан, Самарқанд, Бухоро, Хива каби тарихий шаҳарлардаги Батардор мезморий обидаларга катта қизиқиш билдиримоқда. Мамлакатимизга борадиган япон сайёҳлари сонини йилдан йилга ортиб бормоқда. 2003 йилнинг декабрида имзоланган «Хаво алоқаси тўғрисидаги битим бу борада муҳим аҳамият касб этаётир. Мазкур битим асосида ҳозирги вақтда икки мамлакат ўртасида ҳафтасига икки маротаба тўғридан-тўғри ҳаво қатнови амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида Ўзбекистон Япония учун «Буюк Ипак йўли дарвозаси»га айланди.

Ўзбекистон Ҳукумати билан ҳамкорликда сайёҳлар алмашиувини фаоллаштириш устида иш олиб боришнинг давом эттириш ва Ўзбекистон япон халқи учун янада яқинроқ мамлакатга айланиши, деб умид қиламан.

— **Бизга маълумки, сиз олдин ҳам Ўзбекистонда бўлгансиз. Мамлакатимиз сизда қандай таассурот қолдирди, бу заминда нималар сизга ёқди ва эсингизда қолди?**

— Мен 2001 йил апрель ойида Кансай халқаро аэропорти ва Тошкент ўртасида тўғридан-тўғри мунтазам авиа қатновининг очилиши маросимида қатнашган эдим. Ўзбекистонда қисқа муддат давомида бўлганимга қарамай, маҳаллий бозорлардан бирига бориб, у ерда инсонлар энергияси билан тўлиб-тошган муҳитни кўрганимдан олган катта таассурот бугунги кунгача хотирамда сақланиб қолган. Мунтазам парвозларнинг йўлга қўйилиши ва улар сонининг ҳафтасига иккитагача қўйилиши икки халқ ўртасидаги ўзаро алоқаларни яқинлаштиришга имкон бергани бизни ниҳоятда қувонтирди.

Мен тугилиб ўсган Фукусима шаҳри Ўзбекистон билан яқин алоқалар тарихига эга. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг совет даврида Ўзбекистонда қурилиш ишларига жалб қилинган япон маҳбублари орасида Фукусима префектурасидан бўлган юртдошларимиз кўп эди. Маълумки, Тошкентда япон асирлари томонидан қурилиш, ҳатто кучли зилзила чоғида ҳам бузилмаган ва Марказий Осиёдаги маданият марказларидан бири ҳисобланадиган Алишер Навоий номидаги Опера ва балет театри мавжуд.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон билан дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш борасида «Ўзбекистон-Фукусима Маданий-иқтисодий ҳамкорлик уюшмаси» деб номланадиган ташкилот фаол иш олиб бормоқда. Шу сабабли ҳам менда Ўзбекистонга нисбатан ўзгача ҳуш-таъбиқлар бор ва шу боис «Япония демократик партияси — Ўзбекистон» Парламент дўстлик лигасининг Бош котиби лавозимини эгаллаб турибман.

Имоният тугилиши билан Ўзбекистонга боришни ва ўзим учун мамлакатимизга фусункорликларини яна бир бор кашф этишни чин дилимдан истайман.

«Жаҳон» АА

**АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ
ОМИЛИ**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси томонидан Ўзбекистон Фермер ҳўжаликлари уюшмасида ташкил этилган «Фермер ҳўжаликлари янада ривожлантириш — қишлоқ аҳолиси бандлиги муаммосини ҳал қилишнинг энг муҳим омили» мавзусидаги давра суҳбати қишлоқ аҳолиси бандлигини таъминлашда фермер ҳўжаликларини ривожлантириш ва улар фаолиятининг самарадорлигини ошириш масалаларига бағишланди.

Тадбирда кўрсатиб ўтилганидек, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари қатори, қишлоқ ҳўжалигида ҳам босқичма-босқич кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди. Аграр секторини ривожлантиришнинг тегишли қонунчилик базаси яратилди ва у тақомиллаштириб бориламоқда. Етиштирилаётган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотининг умумий ҳажми ортиб бормоқда. 2011 йилда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқаришнинг ўсиши 2010 йилдагига нисбатан 6,6 фоизни ташкил этди.

Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштиришда фермер ҳўжаликлари алоҳида ўринда туради. Фермер ҳўжаликларига ижара берилган қишлоқ ҳўжалиги ерларидан ўринли ва оқилона фойдаланилишини таъминлаш, улар фаолиятининг самарадорлиги ва рентабеллигини ошириш мақсадига сўнгги йилларда фермер ҳўжаликларини қайта ташкил этиш ҳамда уларга берилган ер участкаларининг майдонларини мақбуллаштириш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилди. Ҳозир мамлакатимизда 66 минг 134 та фермер ҳўжалиги иш юритаётган бўлиб, уларга 5294,2 минг гектар ер ажратиб берилган. Уларда 1,3 млн. қишлоқ аҳолиси иш билан таъминланган. Барча фермер ҳўжаликларининг 36 мингта яқини пахтачилик ва галлчиликка, 17 мингдан ортиғи боғдорчилик ва узумчиликка, 3,6 мингдан кўпроғи сарвотчилик ва ползчиликка, 5,3 мингга чорвачиликка ва 4,3 мингдан ортиғи бошқа соҳаларга ихтисослашган.

Фермер ҳўжаликларининг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши ва барқарор иқтисодий ривожланишини таъминлаш чораларини амалга ошириш натижасида уларнинг мамлакат иқтисодиётидаги мақеви ўсиб ва кучайиб бормоқда. Масалан, агар 2000 йилда яқин қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотидеги фермер ҳўжаликларининг улуши 5,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич 34,1 фоизга тенглашди. Пахтачилик ва галлчилик соҳаларида фермер ҳўжаликларининг улуши айниқса сезиларли бўлиб қолди. 2011 йилда мамлакат миқёсида етиштирилган пахта ва галланинг умумий ҳажмида фермер ҳўжаликларининг улуши тегишлича, 99,1 фоиз ва 81 фоизга яқини ташкил қилди.

Давра суҳбати қатнашчилари бугунги кунда фермер ҳўжаликлари фаолиятининг муҳим йўналиши — қишлоқ ҳўжалигининг ҳамма тармоқларида қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотини етиштириш ва қайта ишлашни ривожлантириш, ишлаб чиқариш қувватларининг самарадорлигини, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини ва рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ ҳўжалиги билан боғлиқ бўлмаган соҳанинг инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда қишлоқ жойларда иш ўринлари очиш, шунингдек, ёшларни ишга

жойлаштириш ҳисобиغا қишлоқ аҳолисининг бандлигини таъминлашдан иборат эканлигини кўрсатиб ўтди. Масалан, 2011 йилда фақат 520 та янги паррандачилик субъектини ташкил этиш ҳисобиغا 1857 та иш ўрни, фермер, деҳқон ва шахсий ёрдамчи ҳўжаликлари ривожлантириш ҳисобиغا қўшимча 2018 та иш ўрни ташкил этилди. 2012 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури доирасида қишлоқда ижтимоий-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, қишлоқ ҳўжалиги тармоқларини ва ишлаб чиқаришни модернизацциялаш, чорвачилик, паррандачилик, балчиқчилик, боғдорчилик маҳсулотини, шунингдек мева-сабзавотларни қайта ишлаш ва сақлашга ихтисослашган фермер ва деҳқон ҳўжаликларини ривожлантириш ҳамда кенгайтириш ҳисобиغا 122,7 минг нафар қишлоқ аҳолиси ишга жойлаштирилди.

Қизғин муҳокама асосида давра суҳбати қатнашчилари фермер ҳўжаликларини ривожлантириш ҳамда қишлоқ аҳолисининг бандлигини таъминлаш масалалари борасида баъзи мавжуд муаммоларга эътиборни қаратдилар. Чунончи, ҳозирги вақтда кўпчилик фермер ҳўжаликларининг раҳбарлари белгилаб қўйилган нормативларга мувофиқ доимий ишлабйўладиган ҳодимларни ҳамма вақт ҳам ишга қабул қилмаслиги, шунинг оқибатида мавсумий ишларга жалб этилаётган ёлланма ҳодимларни ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормаларига мунтазам риоя қилинавермаслиги қайд этилди. Қишлоқ жойларда иш ўринлари ташкил этиш учун фермер ҳўжаликларига кредитларни расмийлаштириш ва беришда ҳам қийинчиликлар мавжуд. Шу муносабат билан давра суҳбати қатнашчилари манфаатдор вазирлик ва идораларнинг фермер ҳўжаликларининг раҳбарлари учун иш ҳақи тўлашни ташкил этиш, қонун ҳужжатларининг нормалари ва талабларига риоя этиш, мавсумий ҳодимларни ишга ёллаш, шартнома интизомига риоя этиш ва бошқа масалалар бўйича ўқув семинарлари ташкил этилиши ва ўтказишлари зарурлигини таъкидладилар.

Ҳар томонлама муҳокама яқунлари бўйича давра суҳбати қатнашчилари тегишли тавсиялар қабул қилдилар.

Давра суҳбатида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Ўзбекистон Фермер ҳўжаликлари уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, бошқа манфаатдор вазирлик ва идораларнинг, фермер ҳўжаликларининг раҳбарлари, олимлар, олий ўқув юртилари ҳамда оммавий ахборот воситаларининг ҳодимлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Матбуот хизмати

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурдаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди маблагларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси оммавий ахборот воситалари ходимлари учун матбуот анжумани ташкил этди. Унда Парламент комиссияси аъзолари — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Жамоат фонди ходимлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

**ТҲРЛИ ЛОЙИХАЛАР
ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНАДИ**

Матбуот анжуманида Парламент комиссияси раиси А. Саидов сўзга чиқиб, ННТларни қўллаб-қувватлаш мақсадига амалга оширилаётган ишлар, эълон қилинаётган давлат гранти танловлари ва уларнинг самаралари ҳақида тўхталиб ўтди.

Маълум бўлишича, бугунги кунда мамлакатимизда турли соҳаларда 5100 дан зиёд ННТлар фаолият юритмоқда. Ана шу ташкилотлар мамлакатимизда демократик кадрлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлар ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда. Мазкур жараёнда ННТлар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини вужудга келтиришда айниқса «Нодавлат нотижорат ташкилотлари», «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг қафоллари тўғрисида»ги, «Жамоат фондлари тўғрисида»ги, «Ҳомийлик тўғрисида»ги ва бошқа қатор қонунлар муҳим аҳамиятга эга.

Олий Мажлис ҳузурдаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди маблаглари Парламент комиссияси қарорларига асосан ННТларга ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг муҳим давлат дастурларини бажаришдаги иштирокини таъминлашга, уларнинг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш мақсадига давлат субсидияси, давлат ижтимоий бюртмаси, давлат грантлари шаклида 2008-2011 йилларда жами 15,4 миллиард сўмдан ортиқ молиявий маблаглар ажратилди. Ушбу маблагнинг 4 миллиард сўмдан ортиғи охириги тўрт йил мобайнида 18 мартаба ўтказилган республика грант танловларининг 353 голибини қўллаб-қувватлаш учун йўналтирилди. Мазкур танловларда 1200 дан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотлари ўзларининг 1,5 мингдан ортиқ ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳалари билан иштирок этди.

Хусусан, жорий йилда ҳам ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш мақсадига Парламент комиссияси томонидан 6 миллиард сўм ажратилган бўлиб, шундан 2,6 миллиард сўмдан ортиғи ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларга йўналтирилди. Парламент комиссия аъзоларининг айтишича, 2012 йилда бешта грант танлови ўтказилади ва уларнинг иккитаси ҳақида кунча мамлакатимиз ОАВларида эълон қилинди.

Ушбу грант танловларнинг дастлабки ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган бўлиб, ёш оилаларни, ёшлар ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш, республикамизнинг узок қишлоқ ҳудудларида уларни оилавий бизнес, касаначиликка, хусусий тадбиркорликнинг бошқа турларини ривожлантиришга эътибор берилди. Мазкур йўналишдаги лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга 1,110 миллиард сўм маблаг ажратилди.

Иккинчи грант танловида мустақил оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш, журналистларнинг касбий кўникмаларини тақомиллаштириш, мамлакатимизда оқиб борилаётган ислохотларнинг ошқоралиги ва очиклигини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти, ҳуқуқий билимлари ва ҳуқуқий онгини оширишга қаратилган бўлиб, мазкур йўналишга 486 миллион сўм миқдорда пул маблаг ажратилди.

Тадбирда, шунингдек, Олий Мажлис ҳузурдаги Жамоат фондининг грант танловларини ўтказиш тартиби билан боғлиқ меъёрий талаб ва тавсиялар, танлов мезонлари ҳақида тушунтириб ўтилди. Унга кўра, грант танловларида биринчи мартаба голиб деб топилган ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари лойиҳаси амалга ошириш доирасида умумий грант миқдорининг 10 фоизидан кам бўлмаган қисмини молиялаштириши шарт. Парламент комиссияси томонидан иккинчи мартаба голиб деб топилган грант олувчи ННТ — умумий грант миқдорининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдорда ўз маблагларини жалб этиши керак. Учинчи ва ўндан ортиқ мартаба голиб деб топилган ННТлар умумий грант миқдорининг 50 фоиздан кам бўлмаган миқдорда ўз молиявий улушларини жалб этишлари белгиланган.

Танловларда давлат рўйхатидан ўтган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этишлари мумкин ва уларнинг лойиҳалари оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган кундан бошлаб шу йилнинг 18 майга қадар қабул қилинади.

Тадбир иштирокчилари шу ва бошқа масалаларга тўхталиб анжуман сўнггида ОАВ вакиллари томонидан берилган саволларга жавоб қайтаришди.

Отаябек ОТАЁРОВ

Мамлакатимизда оилаларни мустаҳкамлаш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий судида оиланинг давлат муҳофазасида бўлиши кафолатларига бағиш...

Конституциямизнинг «Оила» бобида оила жамиятнинг асосий бўлини экани ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиши ҳуқуқига эгаллиги мустаҳкамлаб қўйилган.

2012 йил — Мустаҳкам оила йили ОИЛА — ДАВЛАТ МУҲОФАЗАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Б.Мустафоев Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида оилаларни ҳимоялаш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган юрак эътибор мамлакатимизда инсон манфаатларини таъминлаш, тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш орқали ҳалқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилаётганини таъкидлади.

хофазасида бўлиши давлатлар зиммасига юклатилган муҳим вазифалардан бири сифатида алоҳида қайд этилган.

Бош қомусимиз асосида қабул қилинган Оила кодекс, эллика яқин қонун, Президентимизнинг қўллаб фармон ва қарорларида оила билан боғлиқ муносабатлар ўз ифодасини топган.

яга етмаган фарзандлар тарбиясидаги мажбуриятлари, воғна етган болаларнинг ота-оналарга ғамхўрлик қилиш масъулиятига оид нормалар, оилаларни, айниқса, ёш оилаларни қўллаб-қувватлашнинг самарали механизмлари ижтимоий ҳаётимизда муҳим аҳамият касб этаётди.

«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида соҳага оид қатор қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш вазифаси белгиланган.

«Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»-ги қонуннинг қабул қилингани оилалар фаровонлиги, иқтисодий барқарорлигини таъминловчи яна бир муҳим ҳуқуқий асос бўлди.

Давра суҳбатида ёш оилаларга эътибор ва ғамхўрликни қучайтириш, уларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, моддий ва маънавий рағбатлантириш борасида суд, адлия идоралари, хотин-қизлар кўмиталари ҳамда бошқа тегишли ташкилотлар олдида турган вазифаларнинг ихросига оид масалалар атрофида муҳокама этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар кўмитасининг раиси Э.Боситхонова иштирок этиди.

Н.АБДУРАИМОВА, ЎЗА мухбири

Кун кеча Миллий матбуот марказида «Солиқ тизимида раҳбар кадрларни тайёрлашда долзарб масалалар ва уларнинг ечими тўғрисида» мавзуда матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Анжуманлар

МАЛАКАЛИ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ЙЎЛИДА

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан замонавий талабларга жавоб берадиган юқори малакали кадрларни тайёрлаш долзарб масалалардан бирига айланган.

Солиқ академияси давлат солиқ хизмати органлари учун раҳбар кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириши таъминлаштириш, республика солиқ органлари учун мутахассисларни максатли тайёрлашнинг долзарб масаласи яратилиши мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 10 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитасининг Солиқ академиясини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ташкил этилган.

Давлат солиқ кўмитаси томонидан кадрларни тайёрлаш, давлат солиқ хизмати органлари ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини доимий равишда ошириб бориш масалаларига алоҳида эътибор бериб келинмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ўтган давр мобайнида ҳам таркибий жиҳатдан, ҳам ўқитиш сифатини ошириш нуктаи назардан Солиқ академиясида катта ўзгаришлар рўй берди.

Анжуман давомида академия миллий ва халқаро стандартларга жавоб берадиган замонавий илм-фан ҳамда ўқув-ўқитиш марказига айлангани ҳамда ўқув-ўқитиш, илмий тадқиқот йўналишида ва бошқарув кадрларни тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга доир салмоқли ишлар бажарилгани таъкидланди.

Шунингдек, тадбир давомида журналистларни қизиқтирган саволларга академия вакиллари томонидан жавоблар берилди.

Зиёда РАСУЛОВА



Тиббий асбоб-ускуналарни такомиллаштириш, жаҳон стандартларига мослаштириш бугунги кун талабидир.

ПЛАСТИК ЖАРРОҲЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Солиқни сақлаш вазирлиги «Sen Yolg'iz Emassan» республика жамоатчилик болалар жамғармаси, Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур анжуманда олимлар, жамоат ташкилотлари вакиллари, АҚШ, Австралия, Буюк Британия, Бразилия, Германия, Франция, Греция, Жанубий Корея, Россия сингари йилдан йилга яқин ҳориқий давлатларнинг пластик жарроҳлик бўйича мутахассислари иштирок этмоқда.

Ўзбекистон солиқни сақлаш вазири А.Икромов, Ўзбекистон пластик жарроҳлар жамияти раиси М.Жаъфаров ва бошқалар мамлакатимизда аҳолига тез ва сифатли, юқори малакали тиббий хизмат кўрсатиш масаласи доимий эътиборда эканини таъкидлади.

Солиқни сақлаш соҳасидаги илмий тадқиқот йўналишида ва бошқарув кадрларни тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга доир салмоқли ишлар бажарилгани таъкидланди.

Шунингдек, тадбир давомида журналистларни қизиқтирган саволларга академия вакиллари томонидан жавоблар берилди.

Пойтахтимизда пластик жарроҳликнинг долзарб масалаларига бағишланган халқаро анжуман бошланди.

Зарур тиббий-лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида «Соғлом она – соғлом бола» таъминоти асосида оила саломатлигини, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ишлари ҳамда тобора ошаётди.

Бугун Ўзбекистонда пластик жарроҳлик тиббиётининг янги, тобора ривожланаётган, илмий изланиш, инновацион ғоя ва ташаббуслар кенг татбиқ этилаётган соҳалардан бири.

Ўзбекистонда оналар ва болалар манфаатларини таъминлаш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга улкан эътибор қаратилмоқда.

Уч кун давом этадиган анжуманда пластик жарроҳликнинг долзарб масалалари, соҳага инновацион давлолаш услубларини жорий этиш, халқаро ҳамкорликни кенгайтиришга оид маърузалар тингланади.

(ЎЗА)

Таълим

БИТИРУВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Мана, яна бир ўқув йилининг сўнгги чорағи ҳам якунланиб бормоқда. Бу ҳал қилувчи босқич ота-оналар, устозлар билан бир қаторда битирувчилар учун ҳам ҳаяжонли ва сивовлидир.

Бироқ битирувчи-ўқувчиларда баъзи муаммоли ҳоллар ҳам учраб туради. Масалан, ўқувчи ўз қизиқишларидан келиб чиқиб танлаган академик лицей ёки касб-ҳунар коллежига кириши учун ота-она норози.

Шу мавзуда Юнусобод туманидаги 258-мактабда ота-оналар, ўқувчилар, битирувчилар ҳамда туман ҳудудида жойлашган академик лицей ҳамда касб-ҳунар коллежларидан вакиллар, туман халқ таълими бошқармасидан мутахассислар иштирок этишди.

Тошкент иқтисодий коллежидан Н. Мусаева, Н. Икромова, Тошкент радиотехника касб-ҳунар коллежидан С. Незьматова, Юнусобод машинасозлик касб-ҳунар коллежидан З. Тўхтасинова, Тошкент Педиатрия тиббиёт институти қошидаги 1-сон академик лицейидан Г. Абдушарипова, Тошкент Кимё-технология институти қошидаги 1-сон академик лицей ўқитувчиси Д. Пўлатова, Юнус Ражабий номи Тошкент педагогика коллежидан Н. Юлдашева, Юнусобод тумани Халқ таълими бошқармасидан Д. Исмоиловлар сўзга чиқиб, ўқувчиларни таълимнинг кейинги босқичига тўлиқ қамраб олиш юзасидан академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларидаги таълим йўналишларини таништирдилар.

Шунингдек тадбирда «Қиз боланинг касби — унинг бахти» мавзусида Увайсий номидаги маҳалла диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчи Х. Умарова маъруза қилди.

Тадбирда иштирок этган 107 нафар ота-оналар битирувчи фарзандлари билан академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ҳаёти билан яқиндан танишиш истagini билдиришди.

Бундай кенг қамровли тадбирлар касб танлашда қийналаётган битирувчилар, фарзандлари келажаги учун масъул ота-оналар учун катта мактабдир.

Потима ШАРИПОВА, 258-мактаб директори

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«KOC'HMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси олиб бориш тартибидега ўтказилган очик аукцион савдоларига таклиф этилди!

I. Аукцион савдосига Учтепа туман СИБ томонидан, Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 15 апрелдаги ЖСК-1-55 сонли икром варақасига асосан, «Каравайн Холдинг» тизимидеги «Stroygorod» ЕАЖ УМ, «Концерн Карин Стройгород» МЧЖ, «СЖ Серанс» МЧЖ, «Фаст Фул» МЧЖ, «Стройгород Медиа» МЧЖ, «Стройгород Имкон» МЧЖ, «СЖ Прокст Мастер» МЧЖ, «Карвон Сторм» МЧЖ, «СЖ Хизматчи» МЧЖ, «СЖ Хоме Депот» МЧЖ, «СЖ Промстрой Материал» МЧЖ, «Стройгород Экспресс» МЧЖ, «Стройгород Ютук» МЧЖ, «Сербон экспресс» МЧЖ, «Элите Бизнес» МЧЖга тегишли мол-мулкларни арзонлаштириб, жамланма сифатида тақдоран қўйилмоқда.

II. Аукцион савдосига Олмазор туман СИБ томонидан ФИБ Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумалараро судининг 2010 йил 25 майдаги 1742/10-сонли икром варақасига асосан, Учтепа тумани, Чилонзор-26 мавзеси, Лутфий кўчаси, 6-уй манзилидаги умумий фойдаланиш майдони 1156 кв.м. бўлган, 25 бўлимдан иборат, 2 қаватли бинонинг 2-қавати тақдоран қўйилмоқда.

Аукцион савдолари 2012 йил 23 май куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд икромчилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини, тўлов ҳужжатида икром ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «КМХ» МЧЖнинг «Ипак йўли банки» ОАИТБ Сербон ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, ИНН: 207122519. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақумиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. Расмий сайтимиз: www.ikms.uz. Лицензия: RR-0001

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«Тошкент шаҳар ҳокимлиги Автотранспорт корхонаси» давлат унитар корхонаси Тошкент шаҳар ҳокимининг 2012 йил 3 майдаги 371-сонли қарорига асосан тугатилади.

Тошкент шаҳар, Ҳамза туманидаги 244-ўрта мактаб томонидан 1993 йилда Аҳмедова Навруза Мовлоновна номига берилган АУ 305177 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«ТОШКЕНТ ОКШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.

Кўчмас мулк сотишни ёки сотиб олишни хоҳлайсизми? Бу борада ишончли ҳамкор излаяпсизми? Унда шошилиб таваккал қилманг. Акс ҳолда, вақтингиз ҳамда нақдингизни беҳудага совирушингиз мумкин! Кўчмас мулк бозорида I-сония ризалоранк лицензиясига эга бўлган «KOC'HMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Сизга кўчмас мулк, хусусан ишлаб чиқаришга доир бино-нишоотлар ҳамда тураржой биноларини сотиш ва сотиб олишда ишончли хизмат кўрсатади.



Сарвар Урмонов (ЎЗА) олган суратлар

РАСМЛАРГА КЎЧГАН МЕХР

Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўргазмалар залида «Камалак жилоси» болалар расмлари республика кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, «Sen Yolg'iz Emassan» Республика жамоатчилиги болалар жамғармаси, «Соғлом авлод учун» жамғармаси, Бадий академия, Миср Араб Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилган мажмуи кўрик-танловда Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари томонидан чизилган энг яхши расмлар аниқланди.

Кўргазманинг очилишида Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг ўринбосари А.Холбеков, «Соғлом авлод учун» жамғармаси бошқаруви раиси С.Иномова, Ўзбекистон Бадий академияси раиси

А.Нуриддинов ва бошқалар мамлакатимизда тасвирий санъат ривожини йўлга қўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик навқирон авлод маънавиятини юксалтириш, бадий таълимни такомиллаштиришга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Анъанавий «Камалак жилоси» республика кўрик-танлови болаларнинг миллий санъатимизга меҳри ва қизиқишини янада кучайтириш, иқтидорли ёшларни аниқлаш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга хизмат қилмоқда.

Жорий йилги танловда юртимизнинг барча ҳудудларидаги Меҳрибонлик уйларининг 1500 нафардан

зиёд тарбияланувчилари оила, миллий анъана ва қадриятларимиз, мафтункор табиат манзаралари акс эттирилган ижодий ишлари билан фаол қатнашди. Тасвирий ва амалий санъат бўйича ғолиблар 4 ёшдан 10 ёшгача ҳамда 11 ёшдан 16 ёшгача бўлган тоифада аниқланди.

Тасвирий санъат йўналишида «Беғубор болалигим» мавзусида чизган расми учун Жиззахдаги 29-Меҳрибонлик уйининг тарбияланувчиси Умид Тилолов, «Саттеподаги аёл» расми учун Самарқанддаги 10-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Хусейн Каримов биринчи ўринга сазовор бўлди. Андижон шаҳридаги болалар шаҳарчаси тарбияланувчилари Элдор Раҳмонқулловнинг «Кулолчилик», Катя Кравчевская, Наврўз Аҳмадалиев «Она алласи» мавзусидаги ишлари учун амалий санъат йўналишида биринчи ўринга лойиқ топилди.

Тадбир доирасида тезкор расм чизиш бўйича ҳам ижодий беллашув ўтказилиб, барча ғолиб ва совриндорларга дипломлар, эсдалик совғалари топширилди. Танлов иштирокчиларининг расмларидан иборат бадий кўргазма ташкил этилди.

(ЎЗА)

Тошкент ва Чирчиқ шаҳарларида спортнинг ҳарбий-амалий ва Олимпия турлари бўйича бешинчи умумармия ўйинлари бошланди. Мусобақадан ҳарбий учқураш, офицерлар учқураши, кураш, кўпкураш, енгил атлетика, тош кўтариш, волейбол, сузши, стол теннис, бокс ва илк мартаба мини-футбол ва спортча мўлжал олиш каби спорт турлари ўрин олган.

МАРД ЎҒЛОНЛАР БЕЛЛАШДИ

Мусобақанинг очилиш маросими Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юрти стадионида бўлиб ўтди.

Мусобақанинг тантанали очилиш маросимида спортчиларнинг кўргазмали чиқишлари ва Ўзбекистон Куролли кучлари Марказий ашула ва рақс ансамбли хонандалари ҳамда эстрада юлдузлари иштирокида концерт намойиш этилди.

Илк бор 2004 йилда ташкил этилган ва ҳар икки йилда ўтказилиш анъанага айланган «Умумармия ўйинлари» ҳарбийларимиз ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, жанговор шайлини ошириш ва ёшларимизда ватанпарварлик туйғусини янада кучайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

8 майгача давом этадиган бешинчи умумармия ўйинларининг финал босқичи бахслари Мудофаа вазирлиги, Тошкент олий умумқўшин кўмондонлик билим юрти, Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юрти ва Чирчиқ олимпия захиралари спорт коллежининг спорт мажмуи ва майдонларида ўтказилади. Мусобақаларда дастлабки икки босқич бахсларида муваффақиятли иштирок этган ҳарбий округлар ва уларга тенглашган бўлинмалар, олий ҳарбий ўқув муассасаларининг жами 13 та жамоаси қатнашади. Булар – Тошкент олий умумқўшин кўмондонлик билим юрти, Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юрти, Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Мудофаа вазирлигининг махсус факультети, Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ, Шимоли-

ғарбий ҳарбий округ, Шарқий ҳарбий округ, Марказий ҳарбий округ, Тошкент ҳарбий округи терма жамоалари ҳамда саралаш беллашувларида муваффақият қозонган Мудофаа вазирлиги тизимидаги учта ҳарбий қисм жамоаларидир.

Умумармия ўйинлари тарихига назар ташласак, Самарқанд олий ҳарбий автомобиль кўмондонлик-муҳандислик билим юрти жамоаси кетма-кет уч мартаба мусобақа ғолиби бўлган. Аввалги, яъни 2010 йилги тўртинчи умумармия ўйинларида эса бу анъана бузилди. Мусобақалар дастуридан ўрин олган 6 турдаги бахсларда биринчи, уч турдаги бахсларда иккинчи, атиги бир турдаги мусобақада бешинчи ўринни эгаллаган Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юрти жамоаси иккинчи, Тошкент олий умумқўшин кўмондонлик билим юрти жамоаси учинчи ўринни эгаллаганди. Бу йилги бахсларнинг ҳам муросасиз ва кескин курашларга бой бўлиши кутилмоқда.

Мана шундай умумармия ўйинлари ҳарбийлар орасида спортнинг янада оммавийлашувиغا хизмат қилиши билан бирга янги спорт усталарини, спорт усталига номзодларни, юзлаб иқтидор соҳибларини кашф этмоқда. Хусусан, аввалги тўртинчи умумармия ўйинларида қатнашганларнинг 10 нафари спорт устаси, 20 нафардан ортиғи спорт усталигига номзод, 100 нафарга яқини биринчи тоифали спортчи меъёрий талабларини бажарган.

Отабек НАҲАНОВ

«01»

ҲАР БИРИМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларнинг бир йўналиши замонавий талабларга жавоб берадиган ва инсонларнинг ҳаёти, соғлигини асрашга, аҳоли яшаш жойлари, стратегик аҳамиятга эга бўлган объектларнинг ёнғин хавфсизлигини таъминлашга хизмат қиладиган тизимни яратишдан иборат. Айнан шу мақсадга эришиш йўлида республикамизда бир қатор таҳсинга сазовор ишлар амалга оширилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг 2009 йил 27 август куни ўтказилган мажлисида «Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида» Қонун қабул қилинган бўлиб, мазкур қонуннинг мақсади ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Кейинги пайтда республикамизда кўплаб янги иншоотлар бунёд этиляпти. Кўпдан бери фойдаланилаётганлари эса таъмирланиб, қайта қуриляпти. Бинобарин, уларнинг бирортасида ёнғин чиқмайди, ўт офати содир бўлмайди деб ҳеч ким кафолат бера олмайди? Чунки озгина эътиборсизлик, лоқайдлик сабаб ёнғин юзага келиши мумкин. Шу боис янги қурилаётган, таъмирланаётган биноларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш масаласига жиддий эътибор қаратилиши зарур.

Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига ҳар бир фуқаро, раҳбар, ишчи-хизматчи бир сўз билан

айтганда, барча амал қилиши шарт. Чунки қоидаларга нисбатан беписанд бўлиш, билатуриб, амал қилмаслик ёки билишни истамаслик оқибатида кўплаб кўнгилсиз ҳодисалар келиб чиқаётганини амалда кўриш мумкин. Кейинги йилларда аҳоли яшаш жойларида, хонадонларда ёнғинлар сонининг камаймаётганига асосан фуқароларимизнинг ўзлари айбдор эканликлар тез-тез эслатишмоқда. Бироқ айрим кишилар ҳамон ўз билганича иш тутиб, электр ёки газдан ўғринча фойдаланишни қўзлаши оқибатида ёнғин офатига ўзлари сабабчи бўлмоқдалар.

Рўй бераётган ёнғинлар ҳали ишимизда кўп изланишлар олиб борилиши, имкониятларни қидириб топиб, жойларда ёнғин офатини камайитириш, унинг рўй беришининг олдини олиш учун тинмай ҳаракат қилиш зарурлигини тақозо этмоқда.

Муҳайё МИРАЗОВА,
23-ҲЁКК кичик инспектори

Руҳшунослар шунини аниқлашдики, инсоннинг қайси мевани кўпроқ истеъмол қилишига қараб, унинг хислатлари, феъл-атвори, ўзини туттиши ҳақида кўп нарсаларни айтиб бериш мумкин экан. Хўш, ўзингиз ҳақингизда бирон қизиқ маълумот олиш ниятингиз борми? Унда қуйидаги иккита саволга жавоб беринг.

Қуйидаги мевалардан қай бирини кўпроқ яхши кўрасиз:

1. Ҳарбузи, шафтолини-ми?
2. Кулупнайини, гилосни-ми?

● Агар шафтоли ва кулупнай меваларини танлаган бўлсангиз, унда сўзсиз тан олиш керакки, интеллектуал инсонсиз. Миянгизда бир-биридан ажойиб ғоялар вужудга келиши мумкин. Сиз майда ва хаттоки оғир, машаққатли ишлардан ҳам кўрқмайсиз. Аммо феъл-атворингиз ўзига хослиги билан ажралиб туради. Сиз тез «портлайдиган» инсонсиз.

● Агар шафтоли ва гилос меваларини танлаган бўлсангиз, мулойим, таъсирчан ва

Биласизми?

МЕВАЛАР ФЕЪЛ-АТВОРИНИНГ ИЗОТИНИ БЕЛГИЛАЙДИ

хиссиётга бой инсонсиз. Сиз кўпроқ ўз сезгингиз, ҳис-туйғуларингизга ишониб иш тутасиз. Мантиқан фикрлаб иш кўриш сизга ёт. Аммо баъзида мана шу сезгингиз сизга панд бериб қўйиши мумкин.

● Агар ўрик ва гилосни танлаган бўлсангиз, феъл-атворингизни босиб, деб айта олмаймиз. Сиз янги, ҳали очилмаган қирралар томон шошиласиз. Тез ёниб, тез сўнасиз.

Шунингдек, ўзгаларни сўзсиз тушуна оласиз ва улар ҳам ўз навбатида сизга нисбатан яхши муомалада бўлишади.

● Агар сиз ўрик ва кулупнай ишқибози бўлсангиз, сизни ўзгалардан фарқлаштирувчи жиҳат бу донишмандликдир. Босиб, мулойим ва доно-сиз. Сизни олтинга қиёслаш мумкин.

Очил ҲАЗРАТОВ
тайёрлади

ОЗ-ОЗ ЎРГАНИД ДОНО БИГА

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БҮСТОНИ

ШАРҚ ҲИКОЯТ ВА РИВОЯТЛАРИ

Дано ҳеч қачон мен ҳамма нарсани биламан демайди.

Данолик даъвосини нодонга чиқарган.

Бировнинг меҳнати кўзга кўринмайди.

Ҳаёт фақат тўю байрамлардан иборат эмас.

Фарзандларнинг камоли — Ота-она жамоли.

Кимга куннинг ўтгани, Кимга ишнинг битгани.

Керакли юкнинг оғири йўқ.

Ўзингни мажбурламасанг, ҳеч нарсага эришмайсан.

Ёмоннинг умри зое.

Ўйлаб қараса, бу дунёда шукр қилдиган нарсалар кўп.

Ёмон йўл билан яхши ҳаётга эришиб бўлмайди.

Бировнинг ризқига кўз олайтиришдан ёмони йўқ.

Карвон улуг, ризқи бўлак.

Керагидан ортиқ нарсани билишга уринган ўз жонига азоб қилади.

Ҳаёл ҳамиша олдинда юради.

Бировнинг вақти билан ҳисоблашмаган нодон.

Рашк ҳаддидан ошса, кишининг ўзини шармандаи шармисор қилади.

Ота-она учун фарзанднинг таъна-сидан оғир нарса йўқ.

Иши чаланинг умри чала.

Ўзингни босиб олсанг, тўғри фикрлай бошлайсан.

Қандай яшасанг, шундай оқибатга эришасан.

Инсонни улуғлайдиган ҳам, хор қиладиган ҳам тугма табиати.

Ўзига ишонмаган ҳаммадан шубҳаланади.

Аҳмоқнинг ақли билан иш қилган кулгига қолади.

Майдон полвонсиз қолмайди.

Ман этилган нарсага етишиб, ҳеч ким наф кўрмаган.

(Давоми бор)

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

рат кечаси — 14-16 даража илиқ, кундузи — 26-28 даража иссиқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 8 майда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида қисқа муддатли ёмғир, жала ёғиш эҳтимоли бор. Фарбдан секундага 3-8 метр тезликда, жала вақтида секундага 10-15 метр тезликда кучайган ҳолда шамол эсади. Ҳарорат лумтига кўра, 8 майда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бироз тарқалиб кетишига имконият яратилади. Атмосферанинг ифлосланиши даражаси 1-3 фоиз пасайиши таъмин қилинмоқда, таъмиқдори паст бўлади.

Тошкент шаҳрида 8 май куни ҳаво ўзгариб туради, кенг шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида қисқа муддатли ёмғир, жала ёғиш эҳтимоли бор. Фарбдан секундага 3-8 метр тезликда, жала вақтида секундага 10-15 метр тезликда кучайган ҳолда шамол эсади. Ҳарорат лумтига кўра, 8 майда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бироз тарқалиб кетишига имконият яратилади. Атмосферанинг ифлосланиши даражаси 1-3 фоиз пасайиши таъмин қилинмоқда, таъмиқдори паст бўлади.

